

Ташкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2007 йил, 18 июнь, Душанба

XXI АСР
САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасида «Тиббий суғурта—ижтимоий ҳимоянинг муҳим пойдевори» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари тиббий суғуртани жорий этишнинг ўзига хос жиҳатлари, уни йўлга қўйиш билан боғлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит, мавжуд муаммолар ҳусусида ўзаро фикр алмашдилар.

●Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Фракция аъзолари иккинчи ўқишда кўриб чиқилаётган «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

●Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташаббуси билан босма нашрларда масъул котибнинг ўрнига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда юртимиздаги етакчи нашрларнинг бош муҳаррирлари, масъул котиблари, олий ўқув юртларининг журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

●Фарғона шаҳрида «Энг яхши ижтимоий соҳа ходими» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда барча шаҳар ва туманлардан 20 нафарга яқин ижтимоий таъминот идоралари ходимлари иштирок этди.

●Қашқадарё вилоят ўлкашунослик музейининг марказий залида навбатдаги кўргазма очилди. Унда халқ ғиламчилиги намуналари, мусаввирлар Зафар Аҳмедов, Рўзи Фозиловнинг асарлари ҳамда амалий санъат устаси, машҳур кулол Файзулла Абдуллаевнинг ҳунармандчилик намуналари намойиш этилмоқда.

●Наманган вилоятида июнь ойи «Саломатлик» ойлиги, деб эълон қилинган эди. Айни пайтда меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ва жисмоний тарбияни оммалаштириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда.

●Хивада «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг «Ўзбекистон маркаси» филиали томонидан чиқарилган янги 12 та почта маркасининг тақдирот маросими ўтказилди. Ушбу маркалар 4 қисмдан иборат бўлиб, уларда Хива, Бухоро, Қўқон ва Тошкент шаҳарларининг қадимий обидалари акс эттирилган.

ЖАҲОНДА

●Кеча Францияда иккинчи тур парламент сайловлари бўлиб ўтди. Унда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлганларнинг 60 фоизга яқини иштирок этди. Сайловлар якунига кўра етакчи партия—Халқ ҳаракати уюшмаси парламентдаги 577 та ўриндан 314 тасига эга бўлганлиги қайд этилмоқда.

●Люксембургда Европа Иттифоқида аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.

●Кеча Исроил бош вазири Эхуд Ольмертнинг АКШга уч кунилик ташрифи бошланди. Ташрифдан олдин Бош вазир БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун билан учрашиб, ўзаро суҳбат чоғида Махмуд Аббос бошчилигидаги Фаластин ҳукуматини қўллаб-қувватлашини билдирди.

●АҚШ мудофаа вазири Роберт Гейтс Эрон ҳукуматини Афғонистон жангариларига қурол етказиб беришда айблади. Америка мудофаа вазирининг ташқариси бундан аввалроқ АҚШ давлат қотиби ўринбосари Николас Бёрнс ҳам Эронни Ироқ, Фаластин ва Ливандаги жангариларга қурол етказиб беришда айблаган эди.

●Франция Чад мамлакатидagi дарфурлик қочқинларга инсонпарварлик ёрдами етказиб бериш мақсадида Франциядан Чадга ҳаво кўпригини очди. Таъкидлаш жоизки, Суданнинг Дарфур вилоятидаги моjarоларга чек қўйиш мақсадида Африка Иттифоқи тинчликпарвар қучлари ҳам мамлакат ҳукуматининг розилиги билан аста секин Суданда жойлашмоқда.

●Токио шаҳридаги «Toyota» компанияси идораси олдида астма билан касалланганларнинг норозилик намойиши бўлиб ўтди. Ушбу намойиш қатнашчиларининг айтишларича, уларнинг касаллишига айнан автомобиль ишлаб чиқарувчиларининг экологик нотоза ёнилғидан фойдаланиши сабаб бўлган. Шунинг учун улар «Toyota» раҳбариятидан тавон пули тўлашини талаб қилдилар.

●Маълумки, яқинда Халқаро футбол федерацияси —ФИФА денгиз сатҳидан 2,5 метр балангликда халқаро футбол беллашувларини ўтказишни таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Ушбу қарорга норозилик сифатида баланд тоғлар ўлкаси бўлимиш Боливияда 6000 метр балангликдаги қорли майдонда ўзига хос футбол учрашуви ташкил этилиб, унда мамлакат Президенти Эва Моралес ҳам иштирок этди.

●Хитойда 300 нафаргача кишига мўлжалланган дунёдаги энг узун автобус ишлаб чиқарилди. Мазкур суперавтобус «Олимпиада-2008» меҳмонларига хизмат кўрсатиш учун махсус тайёрланган. Мутахасссларнинг фикрича салонининг узунлиги 25 метр бўлган мазкур автобус экология бораидаги замонавий талабларга жавоб беради, ҳатто унинг салонидан ногиронлар аравачаси учун ҳам жой ажратилган.

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ФАРОВОНЛИК ВА ОБОДЛИК

АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖОЙЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАРДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ БОРИШИ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИДА ЮЗ БЕРАЁТГАН КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎЗГАРИШЛАР БИЛАН ТАНИШИШ МАҚСАДИДА 14-15 ИЮНЬ КУНЛАРИ БУХОРО ВА НАВОЙИ ВИЛОЯТЛАРИДА БЎЛДИ.

Президентимиз сафарининг иккинчи кўни реконструкция ва модернизациялаш ишлари амалга оширилаётган Навоий шаҳар аэропорти билан танишувдан бошланди. Давлатимиз раҳбари муҳим стратегик объект ҳисобланган аэропортнинг аҳолияти ҳақида гапирар экан, ўтган йили май ойида Навоий вилоятга ташрифи чоғида билдирган танқидий фикрлари асосида бу ерда салмоқли ишлар бажарилганини таъкидлади. Жумладан, халқаро андозаларга мос тўрт километрдан зиёд учиб-қўйиш йўлига қуриб битказилди. Замонавий бошқариш тизими бунёд этилди. Аэропортда мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учиратиш имконияти яратилди.

—Энди асосий эътиборни халқаро қатновни амалга оширадиган замонавий самолётларни бу ерга жалб этишга, уларга юқори даражада техник ва сервис хизмати кўрсатишга қаратиш керак, — деди Ўртбошимиз.

Навоий — саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бу ерда фаолият юритаётган йигирмадан зиёд йирик саноат корхонаси томонидан 2006 йили икки триллион 81 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Вилоятни 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс чора-тадбирлар дастурида ноанъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу мақсадда барпо этилган «Бахт-текстиль» кўшма корхонаси йилгига ўн беш минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга. У экспортбоп ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Сўнгги жиҳозлаш ишлари олдиги борилаётган «Қизилқум мануфактураси» кўшма корхонасида эса йилгига 5 минг тонна пахта толасидан ип-газлама тўкилади. Вилоятда етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизи ушбу корхоналарда қайта ишланади. Мазкур корхоналар минглаб ёшларни иш билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган тўб ислохотлар Навоий вилоятда ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоятдаги фермер хўжаликлари минглаб ёшларни иш билан таъминлайди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги тизимида амалга оширилаётган тўб ислохотлар Навоий вилоятда ҳам ўз самарасини бермоқда. Вилоятдаги фермер хўжаликлари минглаб ёшларни иш билан таъминлайди.

Президентимиз Қизилтепа туманидаги «Заргарон баракали ҳосил» фермер хўжалигида бўлиб, галла ўрими-йиғимининг бориши билан танишди. Бобожон Қаримов раҳбарлик қиладиган хўжалик аъзолари билан суҳбатлашди. Хўжалиқнинг иқтисодий аҳволи, унда меҳнат қилаётган кишиларнинг турмуш шароити билан қизиқди.

Олтимиш киши меҳнат қиладиган

хўжалик аҳли бу йил давлатга 138 тонна галла топширишни мўлжаллаган. Айни кўнларда хўжаликда галла ўрими-йиғими қизгин давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик, аввало, масъулият эканини алоҳида таъкидлади. Бу соҳага тасодифан кириб қолган, ернинг тилини тушунмайдиган фермерлар ҳам йўқ эмас.

—Ерни боқсанг, у ҳам сени боқадди, — деди Ўртбошимиз. — Фермер иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлса, юртимизнинг, элимизнинг қудрати янада ошади. Шундай экан, фермерларга имконият ва ёрдам бериш, тўғри йўл-йўриқ кўрсатиш лозим.

Президентимиз фермерлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши зарурлигини қайд этди. Бу нафақат уларнинг ўзига, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг юқалишига ҳам хизмат қилади.

Ўртбошимиз тумандаги Навбоғ қишлоғида деҳқонлар билан суҳбатлашди. Уларнинг яшаш шароити, орзу-режалари билан қизикди.

Ортик Сувонов раҳбарлик қилаётган «Парда бобо» фермер хўжалиги Кармана туманидаги пешқадон хўжаликлардан, 40 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган хўжалиқнинг 34 гектардаги галласи ўроққа келган. Олти гектар майдондаги гўза баравж ўсмоқда. Ёш фермернинг техникаси ҳам, ишчи кучи ҳам етарли.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу хўжаликда фермерлар билан мулоқот асосида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди: фермерларга хизмат кўрсатиш, жумладан, таъминот масаласида қандай муаммолар бор? Фермерлар етиштирган маҳсулотини сотишда тўсиқларга дуч келмаяптими?

—Ўтган йили 31 миллион сўм соф фойда олдик, — деди Кармана туманидаги «Истиклол» фермер хўжалиги раҳбари Махмуд Норов. —Қўшимча техника сотиб олдик. Фермерларга сервис хизмати кўрсатувчи инфратузилмалар тобора яхшиланмоқда. Хўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаш чораларини кўрмоқдамиз.

Бугунги фермер ҳам деҳқон, ҳам иқтисодчи, ҳам агроном, ҳам менежер бўлмоғи даркор, деди Ўртбошимиз. Шундагина у қўзлаган мақсадига эришади. Мамлакатимизда фермерликни ривожлантириш, уларга хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Юртимиз фермерлари еришаётган улкан ютуқлар, ислохотларимизнинг самаралари тобора ошиб бораётгани бунинг ёрқин далилидир.

Воҳид ЛУКМОНОВ,
Ёрқул УМАРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



Енгил саноат

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «АЛКИМ-ТЕКСТИЛ» хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари ҳам ана шунга амал қилган ҳолда иш юритаётгани боис ҳам тайёрланаётган жаҳон андозаларига мос, рақобатбардор маҳсулотлар Германия, Болгария, Португалия, Россия, Туркия, АҚШ сингари кўплаб давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонамиз 2003 йилда ташкил топган бўлиб, —деди корхона бош директори Ваҳид Заим,—устав жамғаримамиз 3.000.129 АҚШ долларини ташкил этади. Асосан кенг турдаги трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз. Корхонамизда 4 та цех муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Булар тикув ва тўкув, бўяш, қуриштиш ва оқариштиш цехлари бўлиб, барчаси талаблар даражасидаги замонавий дастгоҳ ва

ускуналар билан жиҳозланган. Бу, албатта сифатли товарлар тайёрлашда корхонамизда сидқидилдан меҳнат қилаётган 600 нафар ишчи-хизматчиларга қўл келмоқда. Яна шунинг ҳам айтиш жоизки, йил сайин маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, меҳнат қилувчиларнинг ҳам маошлари кўпайиб бормоқда, уларга барча қўлай шароитлар яратилган. Иссиқ овлар, транспорт хизмати, дам олиш хоналари мавжудлиги шулар жумласидандир. Аввалига қурилиш-тиклаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширган бўлсак, 2004 йил охиригача тўла қувват билан ишга тушиб, ички ва ташқи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқармоқдамиз.

Корхона эришаётган ютуқлар ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиб бораётганини рақамларга мурожаат этиб ҳам билса бўлади. Масалан, 2005 йилда 1773,3 миллион сўмлик бўлган трикотаж матолари ва тайёр маҳсу-

лотлар ишлаб чиқарилган ҳамда 2111,0 минг АҚШ долларлик товар экспорт қилган бўлиб, ушбу кўрсаткич 9593,4 миллион сўмни ташкил этиб, экспорт ҳажми 7318,2 минг АҚШ долларига етди. Жорий йилда эса ушбу рақамларнинг яна бир неча баробарга ортиши кўзда тутилмоқда.

Корхонада ички бозорни ўрганиш асосида турли ёшдаги болалар, аёллар ва эркеклар кийим-кечаклари тайёрланади. Моҳир модельер-дизайнерлар эса ҳар доим иланишди. Шунингдек, тадбиркорлар хорижий давлатларга йилгига 7 минг тонна ип экспорт қилса, 1,5 минг тоннадан зиёд бўлган матоларни ҳам ички, ҳам ташқи бозордаги харидорларга етказиб беради. Туркия, Болгария ва МДҲ давлатлари корхонада маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган 5 тоннагача турфа гулли газламаларнинг асосий буюртмачи ва харидорлари саналади.

Ички ва ташқи бозорда сифатли трикотаж матоларига ортиб бораётган талабдан келиб чиқиб, тадбиркорлар жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалашган. Айниқса, экспорт ҳажми ортишига, маҳсулот турлари кўпайишига алоҳида эътибор қаратилади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: моҳир чева
Кизлархон Тошпўлатова; цехдаги иш жараёни.
Козим Улмасов олган суратлар

гаши ташаббуси билан фаоллар ва ёшлар иштирокида уюштирилган тадбирда ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий, маънавий асослари борасида атрофдаги фикр юритилди.

●**ЎТГАН** кўни Тошкент олий умумқўшун қўмондонлик билим юрти битирувчиларига дипломлар топширилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

КҮНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлисини шу йил 29 июнь кўни Тошкент шаҳрида қачирш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу ҳафтада Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан муҳокама этилган ва қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган муҳим қонунлар — «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон


Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларининг баъзи нормалари амал қилиш вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари парламент юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилди.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлиси муҳока-масига «Судлар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Рес-

публикаси Қонунига, Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомига, Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ҳакамлик судлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»-ги 222-II-сонли Қарорининг 1-иловасига ўзгар-

тиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги, «Содик хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам киритиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Машриқзамин — Ҳикмат Бўстони

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Мингта осмон чашма маъсум олдида,
Чашмадир андоқки, кулзум олдида.

Сен камолот йўлига қўйил қадим,
Ўзганинг кўрсанг камол, чекма гам.

Ўйлагил жонингни, танни ўйлама,
Суврати зоҳирни пардоз айлама.

Маст этур жоми шақоват нафси,
Сўнгра не кўйларга солгай наҳси.

Ерда ўсган ўтга ўхшайдир авом,
Ўзи ўсган ерни кўргайдир тамом.

Кўнгли бўшлар жангда кўркув ичра зор,
Ҳар замон қочмоқни айлар ихтиёр.

Кўнгли тўқлар жангда кўркув ичра ҳам
Ҳамла этгайлар ганимга дам-бадам.

Кўркув айлар ичқароларни ҳалок.

Чун маҳак эрмиш балоу бийма жон,
Марду номард унда бўлғайдир аён.

Ким узокларни кўрар, масъуд ўшал,
Ишни эплар, кони файзу кут ўшал.

Бир тугун йўқим, эса беҳуда ул,
Ҳар тугун суду самар деб бойланур.

Маънисиз сувратни суврат ўйлама.

Чун илмининг ярми эрмишдир савол,
Ҳар киши сўрмоққа топмайдир мажол.

Тан севинчи улки, дунёвий камол,
Охират наздида бир нуқсу завол.

Кимса гар уйқуда йиғлар зор-зор,
Уйғонаркан, шодланиб, кулмоғи бор.

Ул этар бир бурда нонга дилни банд,
Бунга ганжу давлатинг эрмас писанд.

Ўз-ўзинг қиммат баҳолаб юрмагил,
Ҳар замон балчиққа ўзни урмагил.

Кимсалар борким, узокларни кўрар,
Тушда олисларни кўргандек магар.

Нафсини ким ерга урса, бахтлидир.

Эгри учгай ўк, ёмон эрса камон.

Нон эмас, ҳикмат ёйишни қил ният,
Тангамас, кўнглига бергил тарбият.

Нафси оташларда тобла зарб уриб,
Чун темирни ҳам урарлар, қиздириб.

Соя ўйнарму сира, эй небахт,
Елда гар тебранмаса дову дарахт?

Бул жаҳон аслида оғир уйқудир.

Эй ситамгар, сенки кулгайсен, уни
Оху фарёд бил ўшал Таъбир кун.

Ухлалас қон, тинчимас қаҳру қасос,
Демаким, ўлдим-ку, топгаймен халос.

Ҳар ёмон олғай муқаррар бир жазо.

Маст киши айру этолмас ҳеч қачон,
Қайдадир ер, қайда эрмиш осмон.

Ўзни гоҳ уйқуга солгай шер чунон,
Токи кўппақлар ишонсинлар дебон.

Беҳуда гапларга оғзинг очмагил.

Қайнаган ёғ узра сув қуйсанг ҳамон,
Ҳам ўчоқ бўлғай харобу ҳам қозон.

Шундоқ нарсалар борки, уларнинг юз бе-
ришини истамасиз, холбуки, сиз учун улар
хайрлидир.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган



«Универсиада — 2007» олдидан ТОШКЕНТ ҚАТНАШЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА
БАРКАМОЛ АВЛОД ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАР ОНГИДА
МАРДЛИК, ВАТАНПАРВАРЛИК, ОНА ЮРТГА САДОҚАТ
ТУЙУЛАРИНИ КАМОЛ ТОПТИРИШ БОРАСИДА ҚАТОР
ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАЁТИР.



Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган Универсиада мусобақалари бунинг ёрқин далилидир.

Илк бор Наманганда ўтказилган «Универсиада — 2000» мусобақаларида мингдан зиёд талабалар иштирок этган эди ва кичик олимпиадага айланиб кетган бу беллашувлар халқроқ экспертлар томонидан юксак баҳоланган. Иккинчи учрашув Бухорода уч мингга яқин талаба ўртасида ўтказилган ва талабалар спортнинг 12 тури бўйича беллашган. Қадимий ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрида ўтказилган учинчи Универсиада мусоба-

қаларида умумжамоа ҳисобида Тошкент, Самарқанд, Наманган вилоятлари голибликни қўлга киритганди.

Универсиада чиндан ҳам ёшлик ва талабалар байрамидир. Айни пайтда пойтахтимиз бўйлаб «Универсиада — 2007» тантааларига тайёргарлик ишлари қизиб бораётган. Бахсларда республикамизнинг барча вилоятларидан уч мингга яқин талаба иштирок этади.

— «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси универсиадачиларни кутмоқда, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси матбуот котиби Назира Ҳамроева. — Мусобақаларни 20 июнда «Паркент» туманидаги «Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида ёқилган машъала бошлаб беради. 24 июнга қадар давом этадиган бахсларда иштирокчилар спортнинг футбол, теннис, енгил атлетика, баскетбол, волейбол каби ўн икки тури бўйича беллашади.



Sport - kuchli iroda va azimu shijoat.

ҲАҚАМЛАР АДОЛАТИ БЎЛИШИ ШАРТ

Маълумки 21-24 июнь кунлари Тошкентда «Универсиада — 2007» талаба ёшлар спорт мусобақаси ўтказилади. Ана шу мусобақаларнинг адолатли ўлчовини таъминлаш мақсадида «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида мусобақанинг бош ҳақамлари иштирокида семинар тренинг ўтказилди.

Йиғилишда беллашувларни ҳаққоний баҳолашда ҳақамлардан катта масъулият талаб этилиши, улар ўз вазифаларини виждонан бажаришлари, ноҳолисликларга йўл қўймасдан адолатли қарор чиқаришлари лозимлиги таъкидланди. 12 спорт тури бўйича ўтказиладиган мусобақаларни 238 нафар

юқори тоифали ҳақамлар кузатиб боради. Семинарда ўйинлар қоидалари, ўзгариш ва қўшимчалар кенг муҳокама қилинди. Жойларда фаолият юритаётган ҳақамлар барча маълумотларни ўз вақтида бош ҳақамга етказишлари лозимлиги айтиб ўтилди.

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 20 июль кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман суд ижрочилири томонидан 2006 йил 14 августдаги 11580/3-сонли ижро ҳужжатга асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар «Эски Жўва деҳқон бозори» майдони 28-уйда жойлашган «Эски Жўва деҳқон бозори» ОАЖга тегишли «ТИМ-2» мажмуасидаги қуйидаги дўконлар

Дўкон рақами ва тавсифи	Бошланғич баҳоси	Дўкон рақами ва тавсифи	Бошланғич баҳоси
1-сонли дўкон (1 қаватли)	46 884 729 сўм 47 тийин	26-сонли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин
20-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	46 884 729 сўм 47 тийин	27-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин
21-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин	28-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	27 090 440 сўм 11 тийин
22-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин	29-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	44 735 434 сўм 48 тийин
23-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин	36-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 853 655 сўм 11 тийин
24-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин	37-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 853 655 сўм 11 тийин
25-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 641 082 сўм 99 тийин	38-сонли қаватли дўкон (1 қаватли)	20 853 655 сўм 11 тийин

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 5 июль кунини соат 11.00да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни қўймоқда.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар Яқасарой тумани Бешчирок кўчаси, 2-уйда жойлашган «Аль-Пари-Инвест» МЧЖ шаклидаги ККга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда.

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилдаги «Себзор» автотурагоҳида сақланаётган давлат рақами 10АЕ707 бўлган ва 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоулов. Бошланғич баҳоси-6 514 516 сўм 62 тийин.

2007 йил 19 январдаги 35-563-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Марказ-17, 18-уй манзилдаги «Себзор» автотурагоҳида сақланаётган давлат рақами 10АЕ706 бўлган ва 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия GLE» русумли автоулов. Бошланғич баҳоси-8 197 621 сўм 26 тийин.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулклар қўйлади.

2006 йил 3 майдаги 399/2-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент шаҳар Ҳамза тумани, 3.Шамсуддинова кўчаси 72-А уй манзилдаги «Тошкент техник таъмирлаш» бўғлаш» корхонасида сақланаётган давлат рақами 10Х6036 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган «Хундай Акцент» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси-11 520 200 сўм.

2006 йил 6 мартдаги ЖСК 1-88/06-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти Қўбрай тумани, «Мичурин дала ховлилари» ҳудудида жойлашган 67-сонли дала ховли. Бошланғич баҳоси-692 699 700 сўм.

Шунингдек, «Тошкент оқшом» газетасининг 2007 йил 25 майдаги 99-сонлида Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан берилган эълондаги мулк номи ва тавсифи қуйидаги матнда ўқилин:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилири бўлими томонидан 2467-68/3 сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳар Сергели тумани, Дарё бўйи кўчаси, Жанубий санатор зонасида жойлашган ва «Техно-Сера» МЧЖга тегишли, ум.майд. 10 678 кв.м.дан ташкил топган 2 қаватли база биноси ва Блок-А, Блок-Б, Блок-В, Блок-Г, Блок-Д, Блок-Е дан ташкил топган бинаоларни савдоларга чиқарилади. Бошланғич баҳоси-434 663 307 сўм.

Ушбу мулкларни суд ижрочилири ишторикида бевосита жойга қилиб қўйиш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорига закатла пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Аль-ян» минибанкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларини сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закатла пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўлатилиши шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг ўрни мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кў. 1-уй. Тел. 138-69-94. Лицензия DB001-000010.

БАДИЙ ДАСТУРДА ИШТИРОК ЭТИШАДИ

«УНИВЕРСИАДА-2007»

ЎЙНЛАРИНИНГ САРАЛАШ
БОСҚИЧЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЮЗ
МИНГЛАБ ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАҚАТ ИККИ
МИНГДАН ЗИЁДИ ЯҚУНИЙ БОСҚИЧДА
ҚАТНАШИБ, ШОҲСУПА ТЎРИДАН ЖОЙ
ОЛИШ ҲАМДА СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР
УЧУН БЕЛЛАШИШ ҲУҚУҚИНИ ҚўЛГА
КИРИТДИ.

— Лекин бу спорт билан шуғулланиш иш-тиёқи сўнди дегани эмас, балки орта чекиниш йўқ дея беллашувлари давом эттиришдир. Шаҳсан мен учун бу маълумият ўзимга бўлган ишонччи янада мустаҳкамлашга асос бўлди, — дейди институтнинг бўлажак магистранти Аваз Азизов. — Спорт мусобақаларида қатнашмасанда, ўз бадий жамоамиз билан бевосита «Универсиада — 2007» нинг театрлаштирилган дастурларида иштирок этиш имкониятига эга бўлганимиз ҳам биз учун ўзига хос ютуқдир.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг белгиланган турт манзили бўйича «Универсиада» қатнашчилари учун бир неча кун давомида намойиш этиладиган бадий дастурларда, бошқа жамоалар қаторида, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти қошидаги «Туртки» кизикчилар театри ҳам иштирок этади. Бу жамоага режиссёрликка илк қадам қўйётган Аваз Азизовнинг раҳбарлик қилиши билан бирга, ўзи ҳам кизикчи сифатида спортчилар кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишини айтиди. «Туртки» театри кизикчилик санъатининг барча йўналишларини қамраб олган бўлиб, «Универсиада — 2007» спорт байрамида биринчи марта кўргазмалар дастур билан қатнашади, чунки унинг ташкил топганига атиги икки ойдан кўпроқ вақт ўтди.

— Аслида бадий жамоамизнинг илк премьери институтимизда кулги қўнига бағишлаб ўтказилган байрам доирасида бўлиб ўтди, — дейди Аваз Азизов. — Бевосита Универсиадага қайтадиган бўлса, унга тайёргарлик жараёнида футбол бўйича ташкил этилган институтлар мусобақаларида Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти ёшлари устун келди. Умумжамоа тарихида ушбу институт талабаларига пойтахт жамоаси шайини ҳимоя қилиш насиб этган экан, юқори поғонани забт этишларини тилаб қоламан.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида «Универсиада-2007» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати билан ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги кўчалар бўйича барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши кўзда тутилмоқда.

2007 йил 20 июнь кунини соат 08.00дан 25 июнь соат 17.00га қадар:

— Талабалар кўчаси бўйлаб — Кичик ҳалқа автомо-
бил йўлидан Саидов кўчасига қадар;
— Университет кўчаси бўйлаб — Фабрикий кўчасидан
Талабалар кўчасига қадар.

2007 йил 21 ва 24 июнь кунлари соат 13.00дан 23.00га қадар:

— Оққўрғон кўчаси бўйлаб — Пушкин кўчасидан
Оққўрғон 1-тор кўчасига қадар;
— Осиё кўчаси бўйлаб — Қ.Низомий кўчасидан Оққўр-
ғон кўчасига қадар.

«Универсиада-2007» тадбирлари ўтказиладиган Талабалар шаҳарчаси, Тошкент Темир йўллари муҳан-
дислари институти, Тошкент Ахборот технологиялари
университети, Тошкент Тиббий академияси ва Ўзбе-
кистон Банклар ассоциацияси спорт мажмуаларига ту-
таш кўчаларда эса вазият тақозо этган вақтларда 2007
йилнинг 20 июнидан 25 июнга қадар транспорт воси-
таларининг ҳаракати чекланиши мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноҳлар! РЕСПУБЛИКА ҚЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИК АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Республика қўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартиби-
да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги
мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Бектемир тумани суд ижрочилири бўлими
томонидан ЖИБ Чилонзор судининг 23.12.2004 йилдаги 1-
1294-сонли ижро қарарига асосан хатланган, Тошкент
шаҳар, Бектемир тумани, Водник даҳасида жойлашган, Тош-
кент шаҳар ИИББ омиборхонасида сақланаётган, «БАЗ-2106»
русумли, давлат рақами 10Q 2149 бўлган, 1983 йилда ишлаб
чиқарилган, техник носоз бўлган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 1 275 000 сўм.

Ушбу автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилири
бўлими вакили иштирокида бевосита жойга қилиб танишиш
мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 17, 24, 31 июль ва 7, 14
август кунлари соат 11-00 да, ушбу автотранспорт воситаси
сотишга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани,
М.Урабзоев кўчаси, 1-а уй манзилда жойлашган РКМБ
биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошла-
ниги баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зака-
лат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва
санасини кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ-Илполатов
Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850,
2021000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан
ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион
савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов
тумани, М.Урабзоев кўчаси, 1-а уй, телефонлар:
228-79-52, 228-84-48.

Интернетдаги сайти: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 №000004

Тошкент шаҳар Учтепа (собиқ А.Икромов) туманидаги
4-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Ахмедов Умид Паз-
литдинович номига берилган О'РД №452735 рақамли
шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Оқшом» газеталари жамоаси адабиётшунос
олим

Аҳмад АЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила
аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор эта-
ди.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида бошланади,
2875 нусxada босилади.
Қоғоз бичими А-2

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта-телефон» 133-74-05 телефони
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланади.
«Шарк» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1234 6